

## А Ж Р И М

2023 йил сентябрь ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман суди, Олтинсой туман “Бўстон” маҳалласи маъмурий биносидан ўтказилган очик, сайёр суд мажлисида

Раислик қилувчи К.Назаров,

Қ.Зубайдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан Олтинсой туман прокурори М.Каримов, судланувчи Э.Маматов ва унинг ҳимоячиси адвокат И.Менгликулов, жабрланувчи С.Добилова нинг иштирокида

**Маматов Эргаш Пардаевич**, 1987 йил 8 апрель куни Олтинсой туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, давлат мукофотлари олмаган, судланмаган, Олтинсой тумани «Мустқиллик 10 йиллиги» маҳалласида яшайди, иш бўйича унга “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган 1-1910-2301/147-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Маматов Эргаш қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш жиноятини содир этиш мақсадида, 2023 йил 31 июль куни соат 16:00 ларда, яшаш уйининг орқа томонидан ўтувчи ички кўчада янгаси Добилова Садоқат Ботировна билан илгаридан давом этиб келаётган зиддият туфайли жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида оёғи билан С.Добилованинг ўнг кўкрак соҳасига бир маротаба қасддан тепиб унга ўртача оғирликда шикаст етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2023 йил 13 августдаги 617-сонли хулосасида, С.Добилованинг ўнг томон кўкрак қафаси ички ўмров чизиги бўйлаб 6-7-қовурғалар тўғрисида қонталаш, 6-7 қовурғаларининг ёпиқ синиши каби тан жароҳати борлиги, ушбу тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғир шикастланиш” тан жароҳати эканлиги маълум қилинган.

Маматов Эргаш Пардаевич жинойий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмидаги жиноятни қасддан содир этганликда айбланган.

Жиноят ишини судда кўриш давомида судланувчи Э.Маматов, жабрланувчи С.Добилова судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини судланувчи Э.Маматов га оид қисмини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўрашди.



Жабрланувчи С.Добилова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Э.Маматов билан ўзаро ярашиб, Э.Маматов ундан кечирим сўраб етказилган зарарни тўлиқ тўлаб бергани, уни кечирганлигини судланувчи Э.Маматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзаро ярашиб олганликларини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув аризасини ёзиш бўйича унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи Э.Маматов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи С.Добиловадан кечирим сўраб унга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи С.Добилова билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи Э.Маматов ва жабрланувчи С.Добилонинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафлар фикрини эшитиб, судланувчи Ю.Мордаевнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қоплангани, жабрланувчи С.Добилонинг судланувчи Э.Маматовга нисбатан ярашув аризасини ёзиш бўйича бирон-бир тазйиқ бўлмагани ва ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини, ишнинг тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилишига монелик қиладиган асослар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, судланувчи Э.Маматовга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга суд, жабрланувчи С.Добилова ва судланувчи Э.Маматовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Юқорида баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан судланувчи Маматов Эргаш Пардаевичга нисбатан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.



Жабрланувчи С.Добиловага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотгани тушунтирилгани қайд қилинсин.

Маматов Эргаш Пардаевичга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилисин.

Ажримдан норози тараф йигирма сутка ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига хусусий шикоят бериши, прокурор хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

К.Назаров

*Аслига тўғри:*

*К.Назаров*

